Ушбу сонда:
2-3 2003 ЙИЛ УЧУН ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР
4 «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ»ДА ширин сўз билан даволашади

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
GAZETA 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 15 январ, чоршанба № 9 (1434)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Дзюдо*

## ЯНГИ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ МЕДАЛИ

Спортчиларимиз 2003 йилдаги дастлабки мусобақаларни кўтаринки руҳда бошлади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, янги йилнинг илк медали юртимиз дзюдочиларига насиб этди. Японияда ўтказилган «А» тоифали халқаро турнирда 73 килограмм вазн тоифасида бел олишган Эгамназар Акбаров бронза медалга сазовор бўлди.

Катта мураббий Армен Багдасаров шогирдларидан Санжар Зокиров ҳам ўз вазн тоифасида кучли бешликдан жой олди.

**(ЎзА).**

*Гигант корхоналарда*

***Асака шаҳрида мамлакатимиз автомобилсозлик саноатининг биринчи йирик гиганти «ЎзДЭУавто» корхонаси жойлашган. Ўндан ортиқ миллат вакилларидан ташкил топган 3,5 мингга яқин ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлар меҳнат қилаётган қўшма корхонада бир йилда 41 мингта енгил автомобил ишлаб чиқарилади.***

## «ЎЗДЭУАВТО»

### мамлакатимиз фахри

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимовни заводнинг йиғув цехида учратдик. У цех бошлиғи Авазбек Жалилов, касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуджон Умрзоқовлар билан амалга ошириладиган ишлар хусусида суҳбатлашиб турган экан.

– Касаба уюшмамиз таркибига 3390 нафар аъзо бирлашган, - дейди Мирфозил ака. – Цехлар ва ёрдамчи корхоналарда 22 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатаяпти. Иш берувчи билан 12 бўлимдан иборат жамоа шартномаси тузилган.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган қўшма корхонада шу кунгача минглаб автомобиллар тайёрланди. Хорижий технология дадил жорий этилганлиги, сифат ва самарадорлик учун талабчанлик оширилганлиги муваффақият келтирди. 2001 йилнинг 17 августида «Матиз» автомобилини ишлаб чиқаришга киришилди. Бир йил ўтгач эса автомобилларнинг NEXIA DOHC модели ўзлаштирилди.

«ЎзДЭУавто» корхонасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мазкур жамоанинг вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 52,7 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари Ўзбекистонда автомобилларнинг ўриндиқлари ички жиҳозлари, бўёқлари, ёқилғи баки, бампер сингари бутловчи қисмларни тайёрлашга ихтисослашган олтита қўшма корхона ташкил этилди.

Айни пайтда завод ва унинг таркибидаги корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимларнинг асосий қисмини юқори малакали, қалби олов маҳаллий ёшлар ташкил этади. Улардан 300-350 нафари ҳар йили Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардаги автомобилсозлик корхоналарида малака ошириб келишмоқда.

2001 йилдан заводда сифат тўгараклари ишлай бошлади. Янги техника ва технологияларни жорий қилиш, ишчилар касбий онгини ўстириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва таннархини тушириш, машина ва механизмларнинг ишлаш муддатини узайтириш, иш жойларда ижодкорлик муҳитини яратиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бундай тўгараклар 51 тага етди. Улар томонидан 109 та ихтирочилик таклифи берилиб, 35 миллион 729 минг сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилди. Биргина пресслаш цехининг менеджер асиссенти Искандар Қобулов бошчилигидаги «Тараққиёт асри» тўгараги аъзолари томонидан ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари бўйича 12 та таклиф киритилди.

Тажрибали мутахассис А.Жалилов раҳбарлик қилаётган йиғув, Б.Назаров бошлиқ пайвандлаш, А.Мамажонов етакчи бўлган пресслаш цехларининг ишчилари ҳар бир юмушни юқори сифатли бажариб, жамоада ғолибликни эгаллаб келмоқдалар.

Корхонада ходимлар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Спорт зали, маънавият ва маърифат хоналари ишлаб турибди. Ходимларнинг техника хавфсизлиги учун 175 минг, меҳнат муҳофазасига 27 минг, шахсий ҳимоя воситаларига 85 минг, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга 53 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Жисмоний тарбия ва спорт ишлари кучайтирилган. 2000 нафарга яқин киши спорт билан шуғулланмоқда. Корхона ўзининг футбол жамоасига эга. Ҳар куни эрталаб ишлаб чиқариш гимнастикаси ўтказилаяпти.

Дилшод Йўлдошев раҳбарлик қилаётган «Базм» гуруҳи, Наталя Латипова раис бўлган «Шижоат» хотин-қизлар клуби томонидан ҳар хил оммавий-маданий тадбирлар, концертлар уюштириш анъана тусини олган. Ҳар йили касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган йўлланмалар билан 300 нафарга яқин ишчи-хизматчи сиҳатгоҳларда дам олиб қайтади.

Жамоанинг хорижий ҳамкорлар билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бултур «Ўзавтосаноат» ассоциацияси раиси Қудрат Парпиев бошчилигидаги делегация Жанубий Кореядаги собиқ «ДЭУ Моторс» компанияси ўрнида янги ташкил топган «Дженерал Моторс ДЭУ Авто ЭНД Тэкноложи» компаниясида бўлдилар. Бош директор ўринбосари И.Аҳмаджонов, корхонанинг Тошкент ваколатхонаси стратегик режалаштириш бошқармаси директори Э.Иминов чет эллик автомобилсозлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик, қўшма корхонага эҳтиёт қисмлари етказиб бериш муаммоларини ҳал қилиш йўллари, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва келажакда техник иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини келишиб олдилар. Ҳамюртларимиз «Тонг-Хонг» ва «Донг-Вон» корхоналарининг иш тажрибалари билан танишдилар.

Айни пайтда жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш тадбирлари белгиланди.

Хуллас, «ЎзДЭУавто»нинг фидойи ишчилари, инженер-техник ходимлари, тажрибали мутахассислари томонидан яратилган автомобиллар Ўзбекистон шуҳратини оламга ёймоқда.

**Н. ТИЛЛАЕВ.**

*Ибрат*

## ҲАЁТ ЧАҚИРАДИ МЕНИ ЁНИГА

Наманганда сўнгги йилларда ўнлаб касб-хунар билим юртлари ўрнида замонавий, қайта таъмирланиб, ишга туширилган коллежлар фаолият кўрсата бошлади. Ана шулардан бири шаҳар марказидаги «Агротадбиркорлик» ўқув масканидир. Асосан қишлоқ хўжалигида ишловчи мутахассислар етишиб чиқадиган коллежда бир қатор янги бўлимлар очилди. Хўжалик ҳуқуқи, ҳуқуқшунослик, ветеринария, молия-иқтисод, банк иши, фермер ўсимликшунослик мутахассисликлари бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларида 2000 нафарга яқин талаба таҳсил олмоқда.

– Ўқитувчиларимиздан тўрт нафари фан номзоди, қолганлари эса биринчи, иккинчи тоифага эгадир,- дейди коллеж раҳбари, иқтисод фанлари номзоди Иброҳимжон Собиров. – Мана учинчи йилдирки, талабаларимиз қайта таъмирланган кенг ва ёруғ ўқув хоналари, замонавий жиҳозлар билан таъминланган даргоҳда илм олишяпти. Бир миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, янги қиёфага эга бўлган билим масканида ўқиш, ўқитиш учун зарур барча шароитлар муҳайё. Тўртта лингафон, 26 компьютер талабалар ихтиёрида.

Бултур Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Йил бошиданоқ Давлат Дастури асосида жамоада қилинадиган ишлар режалаб олинди. Хотира ва Қадрлаш, Наврўз, Мустақиллик байрами, Ўқитувчилар ва Мураббийлар куни муносабати билан аввал ишлаб кетганлар, хозирда қарилик гаштини сураётган жамоадошлар хонадонларидан мунтазам хабар олиб турилди. Йил якунида эса бир пиёла чойга таклиф қилиниб, дилдан суҳбатлашилди. Совға-саломлар берилди. Бундан ташқари, қатор ўқитувчиларга имтиёзли дам олиш учун йўлланмалар ажратилди. «Чортоқ», «Ниҳол», «Чимён», «Косонсой» каби сиҳатгоҳларга берилган йўлланмалар шулар жумласидандир. Ёз мавсумида водийнинг хуш манзара масканларига жамоа бўлиб зиёрат қилиш йўлга қўйилди. Умуман шу каби мақсадларга 1,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

– Етти гектар майдонни эгаллаган даргоҳимизда ўқиш ҳам, ётоқхона учун бино ҳам бир жойда жойлашган,- дея суҳбатни давом эттирди касаба уюшма қўмитаси раиси Аъзамжон Юсупов. — Тўрт қаватли муҳташам ётоқхонамизда талабалар учун ҳамма шароитлар муҳайё. Ошхона, новвойхона, чойхона, тиббиёт маркази, суратхона, косибхоналар ишлаб турибди. Бу ерда бўш пайтларда турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилади. Оқшомлари бўладиган бадиий кечаларга таниқли ижодкорлар, санъаткорлар таклиф қилинади. Яқиндагина «Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун», «Маҳалла тарбия ўчоғи», «Менинг коллежим-менинг фахрим», «Сиз мустақил оила қуришга тайёрмисиз?» каби мавзулардаги учрашув иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Касаба уюшмаси маъмурият билан ҳамкорликда ўқув-тарбиявий ишларни Миллий Дастур талаблари асосида ташкил қилишга интиляпти. Ўтган икки-уч йил ичида талабалар ва ўқитувчилар сафи икки ҳиссага ортди. Бир қатор олий ўқув даргоҳларидан устозлар таклиф қилинди. Айни пайтда мамлакатимиздаги нуфузли институт ва университетларни битирган ёшлар улар сафига келиб қўшилдилар. Йигирма нафар ўқитувчи ҳамма қулайликларга эга уйларда истиқомат қилмоқда. 30 нафар янги оила қурганлар алоҳида турар-жой билан таъминланди.

Ўқув даргоҳида Миллий Дастур талабларидан келиб чиқиб, машғулотлар чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Кейинги икки йилда 15 миллион сўмликдан зиёд бадиий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, услубий адабиётлар харид қилинди. Ўқув хоналари, ётоқхоналарда кўчма зиёхоналар ташкил этилган. Шу боис вилоят коллежлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловда кутубхона биринчи ўринни эгаллади. Ҳозирги кунда республика миқёсидаги кутубхоналар ўртасида ўтказиладиган танловга қизғин тайёргарлик кетмоқда. Талабалар ўртасида турли хил маданий-оммавий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. «Балли, қизлар», «Ўткир зеҳнлилар», «Истеъдод», «Гиёҳвандлик — иллат», «Сиз қонунни биласизми?» мавзусидаги кеча ва учрашувлар, мулоқотлар мобайнида тегишли соҳа вакиллари қатнашиб, ёшларни қизиқтирган саволларига жавоб беришади. Яқинда Обод маҳалла йилига бағишлаб талабалар ўртасида иншолар танлови ўтказилди. Унда Маъмура Тожихонова ғолиб чиқиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Вилоят коллежлари ўртасида биринчи бўлиб маҳалла жамғармаси ҳамда ҳудуддаги «Иттифоқ» маҳалласи билан ҳамкорликда «Оила маркази» ташкил қилинди. Бу ерда талабалар «мустақил ҳаёт остонаси»да дуч келадиган ҳаётий муаммолар, турмуш сабоқларини амалда ўрганадилар. Жўрахон Турсунова, Тожихон Аҳмедова каби фаол ўқитувчилар бу ерда талабалар билан бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик ҳақида суҳбатлар ташкил қилишяпти. Талабалар орасида «Меҳрибонлик уйи»дан келиб ўқиётганлар ҳам бор. Ана шундай тингловчилардан тўрт нафарига ойлик стипендия ташкил қилинган. Уларга ўтган йил мобайнида 255 минг сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Ота-онаси йўқ, вояга етмаган талабаларга эса 300 минг сўм миқдорида моддий кўмак берилди.

**Соҳиба АЪЗАМОВА**
**«Ишонч» мухбири.**

Наманганда "Кормед" деб номланган ихтисослашган хусусий тиббий маскан иш бошлади.

## "КОРМЕД" ИШ БОШЛАДИ

Уни малакали кардиолог-шифокор Акрамжон Каримов ва у кишининг рафиқаси ҳамшира Раъноxон Каримовалар ташкил этишди. Янги маскан энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозларга эга. "Кормед"да юрак-қон томирлари тизими хасталиклари зудлик билан аниқланиб, ташхис қўйиб берилади.

- Ўтган йили Москвада бўлиб ўтган юрак-қон томири касалликлари муаммолари халқаро симпозиумида қатнашдим, - деди А.Каримов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Биз замонавий тиббиёт аппаратлари билан ташхис қўямиз. Бу билан ишимизни тез ва аниқ бўлишига эришамиз.

## ҲАДЕМАЙ БАҲОР КЕЛАДИ

Бухорода шаҳар кўчалари, боғлар ва хиёбонларни янада ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишда маҳалла аҳли, етти юзга яқин корхона ва ташкилот жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Шаҳар кўчалари ёқасига баҳорга қадар 15 минг туп қора арча, 7 минг дона қарағай, 30 минг туп мевали дарахт ва 200 минг туп гул кўчати ўтказиш режалаштирилган.

**"Туркистон-пресс" ва (ЎзА).**

## ЎЗИМИЗНИНГ МИНИ ТРАКТОРЛАР



*Истиқлол берган имкон*



Тошкент трактор заводи ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири. Бу ерда қишлоқ хўжалиги учун техникалар ишлаб чиқарилади. Корхона раҳбару мутахассислари бозор иқтисодиёти муносабати билан юзага келган баъзи қийинчиликлар, муаммоларни омилкорлик билан енгиб ўтишга ҳаракат қилмоқда. Эътиборлиси шуки, эндиликда корхона маҳсулотлари четга ҳам экспорт қилинмоқда. Туркия, Россия, Монголия, Қозоғистон, Покистон, Ҳиндистон каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Россиянинг Барнаул шаҳрида тракторсозларнинг савдо уйи очилди. Ўзбекистон-Хитой давлатлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бу ерда кичик ҳажмдаги, кўпчилик орзиқиб кутган тракторларни йиғиш ишлари йўлга қўйилган.

– Хитойдан бизга келаётган эҳтиёт қисмлар шу ерда йиғилиб, харидоргир маҳсулот сотувга чиқарилмоқда, - дейди ишлаб чиқариш диспетчерлик бўлими бошлиғи Анатолий Танцирёв. – Ҳозирча зарур қисмларнинг аксариятини хитойлик дўстларимиз жўнатишмоқда. Бироқ бу вақтинчалик бўлиб, бу иш яқин кунлар ичида ўзимизда амалга ошириладди. Демак, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Мини тракторлар фермер хўжаликлари, пудратчилар, соҳибкору боғбонларга ғоятда асқотмоқда. Улар боғ ораларига ишлов беришда ҳам жуда қулай. Корхона ҳудудини айланарканмиз, турли хил техникаларни кўриб, ғурурландик. Масалан, мини булдозер ерга ишлов беришга мўлжалланган, мўъжазгина трактор эса юк ташишда жуда қўл келади. Бундан ташқари, осма плуглар, ўғит сепишга ихтисослаштирилган мосламалар деҳқонларимизга ғоятда манзур бўлмоқда.

Цехларда иш қизғин. Ишчилар ўз маҳсулотлари билан ҳақли равишда фахрланишмоқда. Шарт-шароит чаккимас, жамоа шартномаси шартлари бажариб келинмоқда. Бу ерда жами 4168 нафар ходим меҳнат қилади. Ўртача ойлик маош 50 минг сўм атрофида. Ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Зарарли ишда банд бўлганларга сут, қатиқ ва бошқа керакли неъматлар вақтида бериб борилмоқда. Фарзандлар учун «Трактор» спорт базасининг эшиги ҳамиша очиқ. Касаба уюшма қўмитаси раиси Алла Должникованинг таъкидлашича, кўп миллатли кишилар ўртасида турли тадбирларни амалга ошириш анъанага айланган.

**А.ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Ғ. ХИДИРОВ**
**олган суратлар.**

## ТАРМОҚ ҚЎМИТА ПЛЕНУМИДА

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий қўмитасининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси этиб илгари «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўнғирот узели бошлиғи бўлиб ишлаган Қутлимурод Собиров сайланди.

**А.ДАМИНОВ.**

## АҲИЛ МАҲАЛЛА

***Уйчи туманидаги "Ўнхаёт" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Иттифоқ" маҳалласи 1999 йили тумандаги 56 маҳалла ўртасида ўтказилган "Обод маҳалла" танловида ғолиб чиқиб, "Дамас" русумли автомашина билан тақдирланган эди.***

- Маҳалладаги 3766 киши бир оила каби аҳил яшайди, - деди "Иттифоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Дадахонов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Чунки, ҳар бир оила муаммосини барчамиз биргаликда ҳал қиламиз. 11 нафар маҳалла фаоллари тўй-маъракаларни ихчам ва тартибли ўтказилишига бош-қош бўлишмоқда.

Дарҳақиқат маҳалла аҳли олиб бораётган ишларга ҳавас қилса арзийди. "Озод" кўчаси бўйлаб ўтқазилган икки минг туп терак иморатбоп бўлибди. Кам даромадли оилаларга берилаяпти. Маҳалладаги "Ўнхаёт", "Оллоҳобод", "Отахон" деб номланган кичик корхонада 120 киши меҳнат билан банд. Улар замонавий уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар ва салқин ичимлик сувлари ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида жойлашган "Ипакчи" ҳиссадорлик жамияти корхонаси, "Элтех", "Билол" ҳамда "Элёрбек" хусусий фирмаларида 200 га яқин киши ишлайди. Хуллас, маҳаллада биронта ишсиз йўқ. Бу ерда 30 та хизмат кўрсатиш шохобчалари, 2 та маҳалла гузари ташкил этилди. Маҳалла болалари 35-мактаб қошидаги спорт тўгаракларида мунтазам шуғулланишади. Шу боис туман, вилоят чемпионларининг аксарияти мазкур маҳалладан чиқади.

Маҳаллада 28 та кам даромадли оила бўлиб, уларга ўтган йили тадбиркорлар томонидан бир миллион етти юз минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Яқинда маҳалла аҳли ўтган йили ҳашар йўли билан қурилган "Оталар чойхонаси"га тўпланиб, "Обод маҳалла йили"да бажариладиган ишларни режалаштириб олишди. Навоий номли кўчага ичимлик суви олиб келиш, "Озод" кўчасига асфальт ётқизиш ишлари ҳашар йўли билан амалга ошириладиган бўлди. "Наврўз" байрами муносабати билан "Обод хонадон", "Намунали оила", "Обод кўча" деб номланган кўрик-танловлар ўтказилади.

# 2003 йил учун ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ

1

Жамоа шартномалари «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастури»да белгилаб берилган касаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда, жамоа шартномаси – корхона (ташкилот, муассаса[1])да иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, касбга оид муносабатларни тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи норматив ҳужжат эканлигини меҳнаткашлар ҳамда иш берувчилар англаб етмоқдалар.

Жамоа шартномалари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Жамоа шартномаларини, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Жамоа шартномасининг амал қилиш муддатини томонлар белгилайди, одатда бу муддат ҳаракатдаги тармоқ келишувининг амал қилиш муддатидан ошмайди.

Меҳнат жамоаси умумий мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

[1] **Қуйида «корхона» деб юритилади**

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади. Бунда касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси музокараларни бошлаш учун асос бўла олади. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг баробар сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Иш берувчилар касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокара қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмасликлари керак.

2

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек, музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқуллангандан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

– жамоа шартномасини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёҳуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;

– музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;

– жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун.

Касаба уюшмаси ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт,

Иш ҳақига доир масалалар жамоа шартномаларида алоҳида ўрин тутмоғи лозим. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли Қарорида касаба уюшмаларига вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва у ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа шартномаларининг, хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа норматив ҳужжатларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш, чора-тадбирларда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги чораларини назарда тутиш тавсия этилган.

Айнан шу қарор билан хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини оширишни, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткаларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқиш юклатилган.

Корхоналарда амал қилаётган меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткаларини қайта кўриб чиқиш зарурати меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантиришда тарифлар роли кескин пасайиб кетаётганлигининг оқибатидир. Кўплаб корхоналарда қабул қилинган тариф сеткаларига асосан ўрнатилган тариф ставкалари (лавозим маошлари)нинг барча тўловларнинг умумий миқдоридаги улуши 40 фоизга (айрим ҳолларда 25 фоизга) етмайди. Бундай ҳол иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини пасайтириб, унинг кафолатланган қисмининг камайишига олиб келмоқда.

3

Баъзи корхоналарда меҳнат ҳақи деб ҳисобланмайдиган ҳар хил компенсация тарзидаги тўловлар (овқатланиш учун тўловлар, шаҳар транспортида юриш учун компенсациялар ва ҳоказо) миқдори асосий ходимларнинг иш ҳақидан ҳам кўп бўлиб, ходим даромадларини унинг ишчанлик қобилиятлари ва меҳнатнинг натижалари билан боғлиқ бўлмаган омилларга қарам қилиб қўймоқда. Айни пайтда кўплаб жамоа шартномаларига кўра корхона иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашганда иш берувчи ходимларга меҳнат ҳақининг фақат тариф қисми тўланишини кафолатлаяпти.

Бундан ташқари, айрим хўжалик бирлашмаларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг бошқарув органларида юқори лавозимдаги мансабдор шахслар тариф коэффициентларини оширишга йўл қўйилмоқда, баъзида бунинг эвазига ишчиларнинг тариф коэффициентлари пасайтириб юборилмоқда. Бундай фактлар ходимларнинг иш ҳақи бўйича асоссиз табақаланишга ва меҳнат жамоаларида ижтимоий тангликга олиб келмоқда. Ишчиларнинг разрядлараро коэффициентлари ҳаттоки Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 июлдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 280-сонли қарори билан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига нисбатан ҳам пасайтириб юборилиши ҳоллари ҳам йўқ эмас. Агар жамоа шартномасида «0»-разряд ставкаси белгиланмаган ва иш берувчи уни ўз хоҳишига кўра ўзгартириб бориш имкониятига эга бўлса, бундай ҳол меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида камситишларга олиб келиши мумкин.

Касаба уюшмаларининг фикрига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбат меҳнаткашлар вакиллари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа музокаралари жараёнида тармоқ хусусиятларини инобатга олиб ўрнатилиши лозим, музокаралар натижалари эса жамоа шартномалари ва келишувларида мустаҳкамлаб қўйилиши шарт.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан 2002 йилнинг 1 октябридан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағларни давлат томонидан тартибга солиб туриш бекор қилинди, бу билан иш ҳақи масалаларига доир жамоа музокараларида касаба уюшмалари учун янги имкониятлар яратилди.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади, бу эса иқтисодиётнинг мазкур секторида меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги жамоа музокаралари эркинлигини бирмунча чеклаб қўядиган омилдир. **(Ушбу тармоқлар ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларга бериладиган ижтимоий кафолатлар хусусида келгуси сонларда батафсил маълумот берилади)**.

Жамоа шартномаларида, шунингдек, гендер муносабатлари, ногиронлар, пенсионерлар, ишлаётган байналмилалчи жангчилар, Чернобил АЭС фалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар ва 18 ёшга тўлмаган ходимлар ижтимоий ҳимоясига тааллуқли масалаларни акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

4

Мазкур тавсияларда 2003 йил учун жамоа шартномаларини тузишда эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлган асосий масалалар келтирилган.

## I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1.Жамоа шартномаси томонлари

1.2.Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3.Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси, меъёрий ҳужжат сифатидаги мақоми.

1.4.Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.5.Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6.Касаба уюшма қўмитаси тақдимномаларини иш берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7.Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

## II.ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1.Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлиги негизи эканлигининг эътироф этилиши.

2.2.Иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитасининг корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши.

2.3. Томонлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2.4.Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставида белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

г) касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ______% миқдорида пул ўтказиб бориш.

д) ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш учун касаба уюшмалари жамғармасига ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 0,7% миқдорида пул ўтказиб бориш.

2.5. Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

5

в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзолари дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш

## III.ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

3.1.Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми

3.2.Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари

3.3. Хом ашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш

3.4.Корхона таъсислигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари

3.5.Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари

3.6.Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шароитлари

## IV.МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ)

4.1.Мулк шаклларини ўзгартиришда унинг у ёки бу вариантини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш

4.2.Хусусийлаштириш ва корхона мулкини баҳолаш бўйича комиссия таркибида касаба уюшма қўмитаси вакилининг иштирок этиши

4.3.Акцияларни чиқариш ва тақсимлаш тартиби, меҳнат жамоасида жойлаштиришга мўлжалланган акцияларнинг ходимлар томонидан тўла сотиб олинишини таъминлаш

4.4.Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларининг фаолият кўрсатиш тартиби

4.5.Аввал тузилган жамоа шартномасининг корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари

## V.МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

5.1.Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва

6

миқдори, пул мукофотлари, қўшимча тўловлар, нафақалар, компенсациялар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар. Нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми.

(Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан амалга ошириладиган тўловларни маълум фоиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда ижтимоий суғурта ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш)

5.2.Ягона тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақининг етказиладиган даражаси

5.3.Иш ҳақини тўлаш муддатлари. Иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик. Иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар

5.4.Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни ўрнатиш.

5.5.Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш.

5.6.Ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом.

5.7. Ишлаб чиқариш нормаси камайтирилган шахслар (ногиронлар, ёш ишчилар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) рўйхати.

5.8. Ходимларнинг турли тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

- ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;

- кечки, тунги сменалардаги ишдан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;

- ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;

- бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;

- кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;

- ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;

- қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

- иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;

- ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;

- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек ана шу

# ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

**7**

давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори;

5.9. Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари.

5.10. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо).

## VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.

6.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш.

6.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош ҳисобчи билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно)

6.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

6.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш заруряти деб ҳисобланадиган ҳолатлар.

6.5. Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларининг қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларининг ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш.

6.6. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш.

6.7. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимларнинг сонини чегаралаш, ўриндошликни тақиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномаси бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш бўйича хизмат идоралари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари;

6.8. Меҳнат шартномаси томонларнинг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари.

**8**

6.9. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати, шунингдек бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати.

## VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1. Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

- нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун; (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)
- меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)
- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)
- 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)
- I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)
- алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар)
- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228*-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби.

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги.

7.4. Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

7.5. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишда ҳисобга олинадиган давр муддати (ой, чорак, ярим йил, йил).

7.6. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати.

7.7. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

7.8. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

7.9. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи.

7.10. Йиллик таътиллар учун ҳақ тўлаш муддатлари.

**9**

7.11. Болали аёл ходимлар учун:

- болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;
- икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби.

7.12. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари.

7.13. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари.

## VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

***(Мазкур боб бўйича батафсил тавсиялар келгуси сонларнинг бирида чоп этилади).***

## IX. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

9.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифалари бажарилишининг мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши.

9.2. Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш.

9.3. Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш.

9.4. Ходимларнинг корхона (тармоқда)ги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш.

## X. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

***(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш мақсадга мувофиқдир).***

10.1. Болали аёлларга бериладиган қўшимча имтиёзлар.

Молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, аввалги йилларда ўрнатилган қуйидаги имтиёзларни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир:

- болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийларига йўлланмалар қийматини қисман қоплаш;
- ходимлар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув анжомлари ва мактаб формасини харид қилиш;
- ходимлар фарзандлари спорт секцияларида шуғулланишлари харажатларини қоплаш;
- болали аёлларга қисқартирилган иш куни ёки қўшимча дам олиш куни берилишини таъминлаш;
- штатлар қисқартирилганда болали аёлларга ишда қолдиришда афзаллик бериш;
- корхона ҳисобидан туғиш таътилларини ҳомиладорликнинг 5-6 ойидан бошлаб бериш;
- 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

10.2. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санаторий-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо.

**10**

10.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар.

10.4. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар.

10.5. 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан яқин атрофдаги маҳаллага ҳомийлик ёрдам кўрсатиш, бўш иш ўринларига маҳалла ёшларини жалб этиш назарда тутиш тавсия этилади.

## XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этиш, уларнинг мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

11.2. Маданият уйлари, саройлари ва клубларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3 «Маънавият ва маърифат» хоналари, клублар, маданият саройлари ва уйларини Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар (шу жумладан, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобчаси) ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйлари, саройлари ва клублар учун хўжалик органлари ҳисобидан меъёрий даражада маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5. Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болали ёлғиз оилаларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6. Тарихий ёдгорлик мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

11.7. Меҳнаткашлар фарзандларини Янги йил арча байрами томошаларига ташрифини уюштириш, уларни хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика Ҳукумати томонидан жорий этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

11.9. Меҳнат жамоаларида хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10. Меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11. Корхона, ташкилот ва ўқув юртлари тасарруфидаги спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш.

**11**

11.12. Меҳнаткашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, улар ва ота-оналарининг спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13. Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15. Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

11.16. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш ва уларни керакли кўргазмалар ҳамда Президент асарлари ва янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17. Тасарруфидаги оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш.

11.18. Корхона ва ўқув юртлари қошидаги санаторий-профилакторийларда мактаб ўқувчиларини таътил даврида ўз ота-оналари билан биргаликда стационар ёки амбулатория тарзида соғломлаштириш.

## XII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати.

## XIII. КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ВА САЙЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1. Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма ходимларининг меҳнат жамоаси аъзоси сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақлаб қолиниши.

13.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва меҳнат низолари комиссиялари аъзоларини Халқаро меҳнат ташкилотининг 135-Конвенцияси томонидан муҳофаза қилинадиган меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиш.

13.3. Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма ходимларининг касаба уюшма вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш.

### Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий рўйхати

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув.

**12**

2. Ходимларни жорий мукофотлар тўғрисидаги низом.
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом.
4. Корхонада қабул қилинган тарификация.
5. Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низом.
6. Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом.
7. Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом.
8. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом.
9. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низом.
10. Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низом.
11. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати.
12. Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати.
13. Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати.
14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари.
15. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шароитларидаги касб ва лавозимлар рўйхати.
16. Ички тартиб қоидалари.
17. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхати.
18. Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати.
19. Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом.
20. Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом.
21. Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси.
22. Қишки-баҳорги ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш режалари.

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жамоа шартномасини қабул қилишдаги тартиб қўлланилади.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди.

Корхона мулк эгасининг ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) олдида ҳисобот берадилар.

**Ўзбекистон КУФК бўлимлари.**

## САМИМИЙЛИК ҲАҚИДА ДОНОЛАР

*Самимийлик ҳақиқатнинг жони ва ҳалол одамнинг пешонага ёзилган белгисидир.*
Д.ДИДРО

*Самимийлик - оғир ва жуда нозик масала, у ақл ва чуқур маънавий одобни талаб этади.*
В. ВЕРЕСАЕВ

*Самимийлик софдилликдир. Бу фазилат ҳаммага ҳам насиб этмаган.*
Ф. ЛАРОШФУКО

*Республикамиз шифо масканларида*

**Шифокор инсонларни нафақат дори-дармон, балки ўзининг ширин сўзи, қайноқ меҳри билан даволовчи касб эгасидир. Тиббиёт фанлари номзоди, «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳи бош шифокори Акром Акбаров билан бир марта учрашиб, суҳбатида бўлсангиз, бунга яққол ишонч ҳосил қиласиз.**

# «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ»ДА

## ширин сўз билан даволашади







– Мен Ғузор туманидаги «Истиқлол» хўжалиги ижарачисиман, - дейди Арал Раҳимов. – Ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажарганлигим боис тармоқ касаба уюшма туман қўмитаси дам олиш учун имтиёзли йўлланма берганига хурсанд бўлган бўлсам, Акром Акбаров билан қилган илиқ суҳбатдан сўнг ўзимни умуман бошқача ҳис этдим.

Ушбу шифо маскани 110 ўринли бўлиб, бу ерда бир неча даволаш усуллари жорий этилган. Илгари бевосита маъмурий бинода жойлашган даволаш хоналари эндиликда барча қулайликларга эга бўлган замонавий «Ташхис ва даволаш маркази»га кўчирилган. Икки қаватли марказда юрак, қон-томир, таянч ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликларни даволаш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Физиотерапия, парафин-озокерит, балчиқ ва табиий тупроқ муолажалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, мижозларнинг касаллик турига қараб уларга парҳез таомлар тайёрлаб берилади. Бунинг учун 150 ўринли ошхона ишлаб турибди.

– Сиҳатгоҳимизда яна бир хайрли ишга қўл урмоқчимиз, - дейди бош шифокор. – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг амалий ёрдами билан умумий қиймати 250 миллион сўмлик ёпиқ сув ҳавзаси мажмуаси барпо этилади. Агарда бу иш амалга ошса, даволанувчиларни сув билан даволашнинг яна ҳам кенгайтирилган усуллари йўлга қўйилади.

Санаторийда дам олиб, соғлиқларини тиклаётганлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Мисол учун 2001 йил мобайнида 2500 нафарга яқин киши соғломлаштирилган бўлса, бултур бу рақам яна ҳам ошди. Сиҳатгоҳ маъмурияти 2003 йилда ҳам даволаш-профилактика ишларини яхши ташкил этиш мақсадида аниқ дастурлар ишлаб чиқди.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**
**Суратларда: сиҳатгоҳ ҳаётидан лавҳалар.**

*Шоҳмот*

## ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Республика шоҳмот клубида мактаб ўқувчиларининг қишки таътилдаги бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган «Тошкент қишки-2003» анъанавий турнири якунланди. Унда мактаб ёшидаги ўғил-қизлардан ташқари, тажрибали шоҳмот усталари ҳам дона суришди.

Ўзбекистон шоҳмот федерациясидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, 118 киши иштирок этган турнирда тўққиз имкониятдан саккиз очко тўплаган Акром Тошхўжаев бош соврин соҳиби бўлди. Иккинчи ўрин Константин Малиничевга насиб этди. Иқтидорли ёшлар - Мурод Мамасолиев, Жасур Мажидов, Александр Косьян эса тажрибали шоҳмотчиларга қарши муносиб ўйин кўрсатиб, совриндорлар сафидан жой олдилар.ъ

**(ЎзА)**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда*

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## таълим самарадорлигини оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда

***Мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, халқ таълими муассасаларида ўқув жараёнларига замонавий компьютер технологиялари жорий этилмоқда. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ҳам бу борада самарали ишлар олиб борилаяпти.***

– Президентимизнинг ўтган йили эълон қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони олийгоҳимизда ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, компьютер технологияларини жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун мустаҳкам замин яратди, – дейди университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Узоқбой Бегимқулов. – Айни пайтда олийгоҳимизда фаолият кўрсатаётган «Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази» томонидан ўқув жараёнини бошқаришни компьютерлаштириш, янгиликларни татбиқ этиш, янги ахборот тизимлари ва электрон кутубхоналар яратиш каби ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Чиндан ҳам олий ўқув юртида таълим жараёнини компьютерлаштириш ишига муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Ахборот марказидаги 7 та ўқув синфи замонавий компьютерлар билан тўлиқ жиҳозланган. Марказ томонидан республика «Устоз» жамғармаси ва Очиқ жамият институти (Сорос фонди) билан ҳамкорликда ҳар ойда «Интернет янгиликлари» номли ахборотнома тайёрланиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирант ҳамда талабалар интернет тизими ва электрон почта хизматидан фойдаланишяпти. Ўқитилаётган 350 дан ортиқ фанларнинг маъруза матнлари электрон кўринишга ўтказилганлиги эса кенг имкониятлар эшигини очди. Айтганча, интернетда университетнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги ўз сайти очилган. Бу сайт доимий равишда олийгоҳ янгиликлари билан янгиланиб боради. Шунингдек, масофавий таълим тизимининг ўқув-услубий таъминоти учун кўпгина фанлардан электрон база яратилган. Бундан ташқари, электрон мультимедиали дарсликлар яратиш ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган йили 30 та ана шундай адабиёт яратилди.

Сорос фондининг 40 минг АҚШ доллари миқдоридаги гранти ҳисобига ташкил қилинган «Интернет технологиялари ўқув-маслаҳат маркази»да профессор-ўқитувчилар, талабалар машғулотлар олиб боришмоқда. Бу ерда интернет тизимидан фойдаланиш учун барча шароитлар яратиб берилган. Жорий ўқув йилидан бошлаб информатика фани билан бир қаторда бошқа фанларнинг ҳам замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитилишини ташкил қилиш мақсадида университетнинг еттита ўқув биносида марказлар ўз фаолиятини бошлади. Бу марказлар ягона тармоққа боғланиб, фанларга оид электрон дарсликлар билан таъминланди. Айни пайтда бу имкониятдан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, олий ўқув юртида замонавий компьютер ва ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги таълим сифати ва самарадорлигини оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**Умида БОЛЛИЕВА.**

***Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида қорақалпоғистонлик мўйқалам усталарининг кўргазмаси очилди.***

## ҚОРАҚАЛПОҚ РАССОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Кўргазмада қорақалпоғистонлик рассомларнинг уч авлоди катта ёшдаги - Ж.Изентаев, У.Саппаров, И.Алибеков, И.Жақсибоев, Б.Серекеев, ўрта ёшдаги - А.Утегенов, С.Бойбосинов, Б.Айтмуродов, В.Жапаров ва ёш рассомлар В.Халиманов, М.Қозоқбоев ҳамда бошқаларнинг мавзувий композициялари, табиат манзаралари, натюрмортлари, портретлари намойиш этилган. Албатта, ушбу минтақа мўйқалам соҳиблари учун кўпроқ Орол муаммоси асосий мавзу ҳисобланади. Мазкур муаммонинг драматик ҳолатлари ҳар бир ишда унинг мавзуси ва услубидан қатъий назар бевосита ёки билвосита акс эттирилган.

Айниқса, таниқли рассом Ж.Изентаевнинг расмлари таъсирчан ва жўшқиндир. Кўргазмада қорақалпоғистонлик мўйқалам усталарининг «Нукусда куз», «Қўнғироқгул», «Портрет» каби ва бошқа кўплаб янги ишлари намойиш этилган.

Қорақалпоғистон рассомлари учун халқ оғзаки ижоди, кўчманчи қабилалар эпоси битмас-туганмас илҳом манбаи ҳисобланади. Шу боис С.Бойбосинов ўзининг «Наврўз», И.Жақсибоев «Қўшиқ» номли ишларида халқ анъаналари мавзусига жиддий эътибор беришган.

Умуман олганда бу галги кўргазма Қорақалпоғистоннинг маданий ҳаётида содир бўлаётган жараёнларнинг ёрқин ифодасига айланди.

*Футбол мухлислари, сизлар учун!*

# XII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ЎЙИНЛАРИ

## Иккинчи давра

**16-тур**
**2 август (шанба)**
Бухоро–Насаф
Андижон–Қўқон-1912
Навбаҳор–Нефтчи
Трактор–Самарқанд-Д
Металлург–Қизилқум
Машъал–Гулистон
Дўстлик–Пахтакор
Цементчи–Сурхон

**17-тур**
**8 август (жума)**
Насаф–Андижон
Бухоро–Қўқон-1912
Нефтчи–Трактор
Навбаҳор–Самарқанд-Д
Қизилқум–Машъал
Металлург–Гулистон
Пахтакор–Цементчи
Дўстлик–Сурхон

**18-тур**
**17 август (якшанба)**
Қўқон-1912–Насаф
Андижон–Бухоро
Самарқанд-Д–Нефтчи
Трактор–Навбаҳор
Гулистон–Қизилқум
Машъал–Металлург
Сурхон–Пахтакор
Цементчи–Дўстлик

**19-тур**
**23 август (шанба)**
Насаф–Нефтчи
Бухоро–Самарқанд-Д
Андижон–Трактор
Қўқон-1912–Навбаҳор
Пахтакор–Қизилқум
Дўстлик–Гулистон
Цементчи–Машъал
Сурхон–Металлург

**20-тур**
**28 август (пайшанба)**
Навбаҳор–Насаф
Нефтчи–Бухоро
Самарқанд-Д–Андижон
Трактор–Қўқон-1912
Металлург–Пахтакор
Қизилқум–Дўстлик
Гулистон–Цементчи
Машъал–Сурхон

**21-тур**
**12 сентябр (жума)**
Насаф–Трактор
Бухоро–Навбаҳор
Андижон–Нефтчи
Қўқон-1912–Самарқанд-Д
Пахтакор–Машъал
Дўстлик–Металлург
Цементчи–Қизилқум
Сурхон–Гулистон

**22-тур**
**17 сентябр (чоршанба)**
Самарқанд-Д–Насаф
Трактор–Бухоро
Навбаҳор–Андижон
Нефтчи–Қўқон-1912
Гулистон–Пахтакор
Машъал–Дўстлик
Металлург–Цементчи
Қизилқум–Сурхон

**23-тур**
**24 сентябр (чоршанба)**
Насаф–Қизилқум
Бухоро–Гулистон
Андижон–Машъал
Қўқон-1912–Металлург
Нефтчи–Пахтакор
Навбаҳор–Сурхон
Трактор–Цементчи
Самарқанд-Д–Дўстлик

**24-тур**
**1 октябр (чоршанба)**
Металлург–Насаф
Қизилқум–Бухоро
Гулистон–Андижон
Машъал–Қўқон-1912
Дўстлик–Нефтчи
Пахтакор–Навбаҳор
Сурхон–Трактор
Цементчи–Самарқанд-Д

**25-тур**
**8 октябр (чоршанба)**
Насаф–Машъал
Бухоро–Металлург
Андижон–Қизилқум
Қўқон-1912–Гулистон
Нефтчи–Цементчи
Навбаҳор–Дўстлик
Трактор–Пахтакор
Самарқанд-Д–Сурхон

**26-тур**
**15 октябр (чоршанба)**
Гулистон–Насаф
Машъал–Бухоро
Металлург–Андижон
Қизилқум–Қўқон-1912
Сурхон–Нефтчи
Цементчи–Навбаҳор
Дўстлик–Трактор
Пахтакор–Самарқанд-Д

**27-тур**
**26 октябр (якшанба)**
Насаф–Пахтакор
Бухоро–Сурхон
Андижон–Цементчи
Қўқон-1912–Дўстлик
Нефтчи–Қизилқум
Навбаҳор–Гулистон
Трактор–Машъал
Самарқанд-Д–Металлург

**28-тур**
**1 ноябр (шанба)**
Дўстлик–Насаф
Пахтакор–Бухоро
Сурхон–Андижон
Цементчи–Қўқон-1912
Металлург–Нефтчи
Қизилқум–Навбаҳор
Гулистон–Трактор
Машъл–Самарқанд-Д

**29-тур**
**8 ноябр (шанба)**
Насаф–Цементчи
Бухоро–Дўстлик
Андижон–Пахтакор
Қўқон-1912–Сурхон
Нефтчи–Машъал
Навбаҳор–Металлург
Трактор–Қизилқум
Самарқанд-Д–Гулистон

**30-тур**
**15 ноябр (шанба)**
Сурхон–Насаф
Цементчи–Бухоро
Дўстлик–Андижон
Пахтакор–Қўқон-1912
Гулистон–Нефтчи
Машъал–Навбаҳор
Металлург–Трактор
Қизилқум–Самарқанд-Д



*Янгилик*

***Умумтаълим мактабларида физика фани ҳам алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бу масалага эътиборни қаратиб, «Умумтаълим мактабларида физика фани ўқитилишининг самарадорлигини ошириш тўғриси»да буйруқ чиқарди.***

## ҚИММАТЛИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

Бу муҳим ҳужжатда физика фанини ўқитишни яхшилашга қаратилган қатор муҳим вазифалар белгиланди. Ҳозирнинг ўзида ўқув-услубий қўлланмалар, тавсиялар яратиш борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди.

Янги дарслик ва қўлланмалардан айримлари босма юзини кўрди. Физикадан намойиш ва лаборатория ишларида фойдаланиладиган айрим асбобларни маҳаллий шароитда ясашга доир қўлланма ҳам юзага келди. Физикадан тест синови талаблари асосида назорат ишлари тўплами босмага тайёрланди.

Физикавий катталиклар. бирликлар ҳақида «Маълумотнома» устида иш олиб борилди. Физика фани бўйича атамалар луғати яратилиши ҳам айни муддао бўлди. Бугунги кунда физика фанини чуқур ўрганиш бўйича ихтисослашган мактаблар учун ёзилган дастур асосида машғулотлар олиб борилмоқда.

**А.АЛИЕВ.**

*«050» хабарлари*

## ИТ ... ЭШИКНИ ЁПИБ ҚЎЙДИ

Яқинда Юнусобод тумани 4-даҳа 19-уй 44-хонадонда яшовчи Лола Пўлатова «050»-Қутқарув хизматига қўнғироқ қилиб уй эшиги ёпилиб қолганлиги ҳақида хабар берди. Манзилга етиб келган қутқарувчилар эшик қандай ёпилиб қолганлигини аниқлашди. Маълум бўлишича, уй соҳибаси зарурат туфайли қўшнисиникига чиқади, унинг ортидан эса кучуги уй эшигини ёпиб тамбани суриб беркитиб олади. Қутқарувчилар эшикни очишга анча уринишди, бироқ ҳаракатлар бефойда кетди. Шундан сўнг томдан арқонда тушиб, дераза орқали киришга мажбур бўлинди. Буни ўз ишининг устаси бўлган Дилшод Базарбаев ҳамда Зиёвуддин Исмоиловлар қойилмақом қилиб амалга оширишди. Дераза орқали кириб келган номаълум кишиларни кучук яхши кутиб олди ва эшикни очишда ўзи ҳам кўмаклашгандай бўлди.

## ОҚИБАТНИ ЎЙЛАМАЙ...

Ярим кечаси Чилонзор тумани 16-даҳа 22-уй 25-хонадонда истиқомат қилувчи Лариса Жидкова туғишган укаси уй эшигини очмаётганлиги тўғрисида қўнғироқ қилди. Манзилга етиб келган Қутқарув хизмати ходимлари эшикни махсус техника ёрдамида очиб киришганда маълум бўлдики, йигитча наркотик моддани меъёридан кўп истеъмол қилиши натижасида бу ёруғ олам билан видолашган экан.

**М.ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати ходими.**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.35

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 20141 Буюртма Г— 019. 1 2 3 4 5